

ГЕНДЕР ФАРҚЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ГЕМОРРАГИК ИНСУЛТНИНГ ЎТКИР ДАВРИДА ИММУНИТЕТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Нарзуллаев Нуриддин Умарович

Бухоро давлат тиббиёт институти

Шодмонов Жаҳонгир Баҳодирович

Бухоро давлат тиббиёт институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10401438>

Тадқиқотнинг мақсади - гендер фарқларини ҳисобга олган ҳолда геморрагик инсултнинг ўткир даврида беморларда иммун тизими ҳолатидаги ўзгаришларнинг хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотда 160 нафар текширилган беморлар иштирок этди, улардан 100 нафари (50 нафар эркак ва 50 нафар аёл) нисбатан соғлом эди (улар шикоят қилмаган, диспансерда рўйхатдан ўтмаган ва ташхис қўйилмаганлар). Қабул пайтида 60 нафар беморга (30 нафар эркак ва 30 нафар аёл) ишемик инсулт ташхиси қўйилди ва иммунитет ҳолати ўрганилди.

Беморларнинг иммун тизими ҳолатини ўрганишда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди: Т ва В лимфоцитларининг субпопуляциялари: CD3+ медиаторларини ташувчи периферик қон лимфоцитлари сони (етук Т-лимфоцитлар); CD4+ (Т-хелперлар); CD8+ (цитотоксик Т- хужайралари); CD16+ (табиий киллерлар); CD20 + (В-лимфоцитлар), шунингдек CD 4+ / CD 8 + нисбати.

Умумий иммуноглобулинлар IgG, IgM, IgA -Mancini ва ҳаммуаллифлари усули билан, шунингдек, IgE ИФА усули билан аниқланган . С3, С4 комплементар компонентларининг таркиби TNF α , IL-10, IL-2, IL-6, IL-8, интерферон- γ (IFN- γ), IL-4, IL-10 аниқланди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида аниқланди: жинсидан қатъи назар, геморрагик инсултнинг ўткир даврида периферик қонда лейкоцитлар, таёқчасимон нейтрофиллар ва лимфоцитларнинг умумий сонининг таққослаш гуруҳидаги соғлом одамлар билан таққослаганда статистик жиҳатдан сезиларли ўсиши кузатилди.

Шу билан бирга, эркаклар ва аёлларда сезиларли ўзгаришлар аниқланмади. Ушбу кўрсаткичларнинг ошиши тананинг яллиғланиш реакцияси билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Иммунитетнинг гуморал звеноси кўрсаткичларини, комплемент тизими кўрсаткичларининг фаоллигини, геморрагик инсултнинг ўткир даврида беморларда цитокинларнинг таркибини, нисбатан соғлом бўлганлар билан солиштирганда, гендер хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш шуни кўрсатдики, касалликнинг ўткир даврида ишемик инсулт бўлган беморларда яллиғланиш олди IL-10, IL-6, IL-8, IL-2 нинг периферик қонда ошиши, шу билан бирга яллиғланишга қарши IL-10, IL-4 ва TNF- α , IFN- γ –интерлейкинларнинг камайиши кузатилди.

Бундан ташқари, иккала гуруҳда ҳам IgG, IgM, IgE, комплементнинг умумий миқдори, унинг С3 ва С4 фракциялари, С1-ингибитори, ЦИК, омил , ФИ, ФЧ, НСТ-сп., НСТ-ст.статистик жиҳатдан сезиларли ўсиш кузатилди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, геморрагик инсулт билан оғриган беморларда аниқ яллиғланиш белгилари мавжуд. Хужайра звеноси, ўрганилаётган кўрсаткичларда гендер асослари бўйича фарқлар

мавжуд, эркаклар гуруҳида аёллар билан таққослаганда барча ўрганилган кўрсаткичларнинг статистик жиҳатдан сезиларли ўсиши аниқланди.

References:

1. Ребенко Н.М. Клинико иммунологические особенности у больных в остром периоде ишемического инсульта: Автореф. дисс... канд. мед. наук. Новосибирск., 2004. С. 24.
2. Свадовский А.И. Цитокиновая иммунотерапия в комбинированном лечении внутримозговых опухолей головного мозга // Автореф. дис. ... д. м. н. Москва 1998. 19. Солонович С.И. Комплексная фармакотерапия ишемического инсульта с использованием иммуномодуляторов: тимоптина, миелопида, нуклеиновой кислоты натрия // Проблемы судебной медицины и клинической практики: Тез. докл. Воронежской областной научно-практической конференции. Воронеж, 1994. С. 191-192.

